

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН – МАРД, ЖАСУР ВА ДОВЮРАК БАХОДИР

АЗИЗБЕК ЁҚУБОВ

*Тошкент Амалий фанлар университети
тарих фани ўқитувчиси*

“Хоразмшоҳ” кейинчалик “султон” унвонлари билан давлатни 134 йил (1097-1231) идора қилган ануштегинийлар: ўзбек давлатчилиги тизимидаги сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар каби йирик сулолалардан бири эди. Бир пайтлар Ислом оламида хукмрон мавқега эга бўлган, аммо анча заифлашиб қолган Аббосий халифалар (750–1258) билан рақобат қила оладиган даражада қудратга эга бўлган Хоразмшоҳлар араб халифалигини реал қудрат сифатида тан олмас, аввало Бағдодни, кейинчалик Миср ва Шомни ҳам қўлга киритишни кўзларди. Хуллас, ануштегинийлар XII асрнинг охиридан XIII асрнинг 30-йилларигача бўлган даврда минтақамизни муаззам Шарқнинг энг кучли иқтисодий-сиёсий ва маданий-илмий марказига айлатиришди. Масалан, Такаш хукмронлиги давридаёқ Озарбайжон, Эрон ва Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган поёнсиз ерлар хоразмшоҳлар измида эди. Муслмон оламининг ҳарбий қудратидан Византияга қарши курашда фойдаланиш ниятидаги Рус подшоҳи Владимир (978-1015) хоразмшоҳлар ҳукмдорига ўз элчиларини юбориб, ислом динини қабул қилиш борасидаги ниятини билдиргани мамлакатнинг ўша даврдаги ташқи сиёсий-дипломатик алоқалари ҳақида етарли тасаввур беради.



Жалололиддин (бурнида хол – манк (менг) бўлгани учун Манкбурни дейишган) вояга етгач, 1215 йилдаёқ отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган эди. Демак, фаолиятининг илк давридаёқ у ички ва ташқи сиёсатга бевосита аралашиб ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун Жалололиддин даставвал, икки ҳокимиятчиликни келтириб чиқарган,

халифаликка ён босган, Тимучин (Чингизхон) пайғомини олгач, унинг курук ваъдаларига ишониб, низо ва адоват уруғларини сочган момоси – Туркон Хотун ва унинг тарафдорларига қарши сиёсий жараёнларда мамлакат бирдамлиги учун курашчи сифатида кўзга ташланади. Чунки Жалолоддин айнан ўша ички зиддиятлар ва сиёсий парокандалик мўғул қўшинига қўл келишини жуда яхши биларди.

Хоразмшоҳлар давлати, идора усуллари, у даврда фаолият юритган тарихий сиймолар тақдири ҳақидаги қимматли маълумотлар Ибн ал-Асир, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Ибн Саъий, Ёқут ал-Ҳамавий, Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, Алоуддин Атомалик Жувайний, Жузжоний, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Мирзо Улуғбек, Мавлоно Камолиддин Исфаҳоний, З.М. Бунятов, В.В.Бартольд, С.П. Толстов, Иброҳим Кафес ўғли, Ж.А.Бойл, Лиддел Харт, Рене Крауссет, Десмонд Мартин, Рахула Махапандита, Б.Эшов, Қ.Маҳмудов, А.Зиё сингари кўплаб тарихнависларнинг асарларида келтирилган. Жумладан, Текеш ва Аловиддин Муҳаммад даврида фаолият кўрсатган ажойиб сиймолар: Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий, ал- Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий, Зайнитдин Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Баққош ал Хоразмий, Абу Иброҳим Исмоил ал-Журжоний, Сирожиддин Ёқуб ас Сақоқий, Нажмиддин Кубро, Шихобиддин Абу Саид ибн Ирмон ал-Хивақий сингари алломалар риторика, астрономия, тилшунослик, луғатшунослик каби фанларнинг жаҳонга машҳур устозлари, авлиёлар, дин ҳуқуқшунослик илмларининг пешволари ва машҳур мударрислар номини эслашнинг ўзиёқ фикримизни далиллайди.

Ушбу сулола сўнгги ҳукмдори – моҳир саркарда, мўғул истилочиларига қарши курашларга жонини тиккан мард, жасур, дойора баҳодир Султон Жалолоддин ана шундай илмий ва маданий муҳитда камол топганди. Жумладан, саксон бир ёшида бўлишига қарамай, Гурганж мудофаасида ўз халқи билан бир сафда қўлига қурол олиб, Ватан эрки ва озодлиги йўлида қурбон бўлган Нажмиддин Кубро Жалолоддин ва унинг ёвқур йигитлари учун ибрат намунаси бўлганди.

Султон Жалолоддин Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги жанглирида (Нисо, Марв, Қандаҳор, Ғазна, Парвона) душманни буткул шошириб қўяди. Парвонадаги улкан мағлубиятларидан сўнг мўғуллар Афғонистон ҳудудини буткул тарк этишади. Султон Жалолоддин душманни заррача писанд қилмай, Синд дарёсини кечиб ўтганида, унинг бемисл жасоратига тан берган Чингизхон ўз ўғилларига: *“Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим”*, дея танбех беришга мажбур бўлади. Бу енгилмас паҳлавоннинг истилочиларга қарши кураш йўли кейинчалик Ҳиндистон, Эрон, Месопотамия, Кавказ, Грузия, Арманистон, Рай, Исфаҳон, Ироқ, Озарбайжон бўйлаб ўтиб, Курдистонда ниҳоясига етади. Афсуски, унга қарши турганлар сафида наинки мўр-малахдай мўғул қўшини балки, ўз ишонган кишилари, шунингдек Бағдод халифаси, Синд ранаси, форс отабеги, Миср ва Рум султонлари ҳам бор эди.

Муаррих Насавий Жалолиддин Мангуберди шахсияти ҳақида тўхталиб: *“Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқуллодда мард ва ботир саркарда эди”*, -деб ёзади. Рахула Махапандита Жалолиддин тахт тепасига келган пайтдаги вазиятни изоҳларкан: *“Жалолиддин Хоразмишох тахтга чиққанида Хоразм империяси аллақачон яксон қилингани ва 600 минглик қўшини тарқаб кетгани”*ни афсус билан тилга олади. Мавлоно Камолиддин Исфаҳоний Султон Жалолиддин мадҳида айтган қасидасида Жалолиддин: *“Дунё ва дин Жалоли”*, *“Ислом минбарини салиб хуружидан асраган”*, *адолатли курашда мудҳиш офатга қарши тура олган кучли қалқон ва ислом ўлкалари нажоткори”* сифатида улуғланади. Мақсуд Шайхзода салтанат бирлиги, оламгирлик орзуси, Ватанга хизмат армони билан яшашни ният қилган улуғ юрт шайдоси Жалолиддиннинг: *“Ким юртдан ёвни қувса – мендурман ўшал !”*, - деган сўзларини келтиради. Драматург халқ даҳоси мангу пойдорлиги, эркин ва озод кун келиши муқаррарлигига қатъий ишонч билан қараб: *“У кунга салом !”*, - деб ёзади... Бироқ, Василий Ян “Чингизхон” романида Жалолиддин Мангуберди миллий қиёфасини аниқ-равшан тасаввур қила олмади. Мустақиллик йилларига келиб шоир, драматург ва носир Э.Самандар шеърӣ йўсинда битган “Аждодлар қиличи” тарихий драмаси ва “Султон Жалолиддин” романида тарихий ҳақиқатни бадиий йўсинда қайта тиклади.

Халқимизнинг миллий қаҳрамони – Жалолиддин Мангубердининг шахсияти ва тарихий хотираси юртимизда эркинлик ҳамда озодлик тантана қилган истиқлол йилларида чинакам кадр ва эътибор топди. Жумладан, 1999 йилда мамлакатимизда буюк саркарда таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унга атаб бир бир неча ҳайкаллар ўрнатилди. Жумладан, Хоразм вилоятида Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишланган мемориал мажмуа бунёд этилди. 25 сўмлик юбилей тангалар муомалага киритилди. Биринчи Президентимизнинг 2000 йилнинг 29 августдаги “Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида” ги ПФ-2708-сонли фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори асосида 2000 йил 30 август куни чиқарилган 110-II-сонли қонунга кўра “Жалолиддин Мангуберди ” ордени таъсис этилди. Бу орден билан ватанимиз сарҳадлари, она юртимиз тупроғи, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, шунингдек давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар тақдирланиб келинмоқда. 2003 йилнинг 22 август куни ушбу орден билан қаҳрамоннинг киндик қони тўкилган замин – Хоразм вилояти мукофотланганида ҳам улкан рамзий маъно мужассам.

2022 йилнинг 29 августидан Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси очилди. Йигирма беш метрлик маҳобатли ҳайкалда саркарда тулпор жоловини маҳкам тутиб, юрт ҳимоясига отланиб тургани

тасвирланди. Унинг олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилди. Эрон ҳудудидан топилган, оғирлиги 32 кг, баландлиги 30 см бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангубердининг шажараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги кунда Лондондаги машҳур Британия музейида сақланади. Мажмуа ўрин олган қарийб 8 гектар майдонда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ушбу майдон остидан ўтадиган автомобиль туннели барпо этилди. Ҳудудга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экилди.

Ёдгорлик мажмусианинг тантанали очилиш маросимига ташриф буюрган мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳайкални очиб бериш чоғида сўзлага нутқида таъкидлаганидек: *“Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, шу йўлда азиз жонини қурбон қилган аجدодларимизнинг буюк намояндасидир. Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида Жалолиддин Мангубердига тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди*

Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аجدодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамшиша юртимизни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади”.

Дарҳақиқат, Султон Жалолиддиннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, букилмас иродаси ўз ифодасини топган.